



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил  
2 март  
ШАНБА  
№ 17  
(12.549)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## Вилоят ҳаёти

### Чирчиқ шаҳри

#### СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРЛАРИ

25-умумтаълим мактабида "XXI аср ёшлари – соғлом турмуш тарафдорлари" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Гийҳвандлик, терроризм, одам савдоси ва диний экстремизм ёвуз иллатлар эканини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган тадбирда шаҳар ИИБ, «Саломатлик маркази», шаҳар жоме масжиди ходимлари, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар соғлом турмуш тарзи давр талаби экани, ёшларимиз гийҳвандлик, ичкиликбозлик ва терроризм иллатларидан йироқ бўлишлари лозимлигини таъкидладилар.

Ўз муҳбиримиз.

### Паркент тумани

#### САҲНАДА ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Обод турмуш йили муносабати билан 30-умумтаълим мактабида "Ораста қизлар – саришта қизлар" тадбири ўюштирилди.

Юқори синф ўқувчилари муомала маданияти, билим ва кўникмаларидан ташқари пазандарик, тикувчилик, рўзгор юритиш ва бошқа қатор шартлар бўйича маҳоратларини намойиш этди.

Юлдуз ИСАЕВА.

### Бўка тумани

#### КАМОЛОТ МАЛИКАЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчи-қизлари ўртасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, уларни спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш мақсадида стол тенниси бўйича "Камолот маликаси" мусобақаси ўтказилди.

Умумтаълим мактаблари ва коллежларнинг 120 дан зиёд ўқувчилари голибликка даъвогарлик қилишди. Энг юқори натижа кўрсатган қизлар "Камолот маликаси" спорт мусобақасининг вилоят босқичига йўлланиши кўлга киритишди.

Ўз муҳбиримиз.

### Зангиота тумани

#### СПОРТ – ГЎЗАЛЛИК ДЕМАК

Чоштепа қишлоғида "Спорт – гўзаллик ва чиниқиш гарови" шиори остида аёллар спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

50 дан ортиқ аёллар спортнинг волейбол, баскетбол, шахмат, шашка, сакраш, югуриш, гимнастика каби турлари бўйича беллашдилар. "Ўқибол" маҳалласи аёллари голибликни кўлга киритишди. Бу бежиз эмас. "Ўқибол" либлар ҳафтаининг ҳар сешанба кунини жисмоний тарбия ва чиниқиш кунини деб белгилашган. Тадбирларда аёллар фаол иштирок этишадди.

Саида РАҲМОҢҚУЛОВА.

### Пискент тумани

#### ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

### Кўклам шуқуҳи

# КЎНГИЛЛАРНИ КУЙЛАТГАН БАҲОР



Баҳор... Кўклам... Наврўз... Бу сўзлар нафақат тилингизда, балки дилингизда ҳам ажиб бир оҳангда жаранглайди. Шундай эмасми? Зеро, у қаҳратон қиш вужудни толиқтирган паллада жонингизга ҳузур бағишловчи илиқ нафаси билан кириб келади-да. Қолаверса, кўёшли кунлар кўнглингизни ёриштириб, ажиб бир куй-қўшиқ таралаётгандек бўлади. Бу қалбингизни аллагаган Ҳаёт кўшиғидир. Бу ноёб туйғу барчани эзгуликка етаклаб, "қуйламаган дилларни қуйлатиб" юборади. Озод юрт аҳли нафақат кўкламини, Обод турмуш йилининг илк баҳорий қадамларини қўтламоқда.

Вилоятимизнинг шундай бахтиёр аҳолиси ва санъат ихлосмандлари учун Паркент туманида, таъбир жоиз бўлса, байрамолди шодийнаси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий методик маркази ҳамкорлигида ўтказилган кўшиқ байрами аждодларимиздан мерос бўлиб қолган халқ озаки ижоди намуналари ва миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, уларни асраб-авайлашни ёшларимиз онгига сингдириш, вилоятимизнинг иқтидорли, истеъдодли ёшларини кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўюштирилди. Унда шаҳар ва туманлар маданият уйлари қошида фаолият юритаётган мақом, ашула ва ракс, фольклор-этнографик дасталари, театр жамоалари, шунингдек, "Халқ" ва "Намунали" унвонига эга бўлган таниқли бадий жамоалар ҳам иштирок этди.

Айниқса, "Паркент тароналари" (Паркент), "Дўстлик тароналари" (Қўбрай), "Зафар тароналари" (Бекобод тумани), "Наврўзи олам" (Қўқўрғон) каби ашула ва ракс, "Паркент чашмаси" фольклор-этнографик, "Шанс" шоу халқ ансамбллари чиқишлари йиғилганларда завқ-шаўқ уйғотиб, кўтаринки кайфият бағишладди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири, Даврон АҲМАД олган сурат.

### Қонун лойиҳаси муҳокамада

## ҚАДРИЯТЛАР МАҲАЛЛАДА ҚАДР ТОПАДИ

Ўзбекистон халқи тарихи ва турмуш тарзига оид энг қадимий ва энг қадри, ҳаётнинг кўп йиллик турли синовадан ўтиб, фуқаролар ҳаётига сингиб кетган қадрият "маҳалла" институтидир. Мустақиллик йилларида маҳалла фаолиятига оид мустақкам ҳуқуқий тасмоллар яратилди ва бу соҳадаги фаолият давлат сиёсати даражасига

биринчи ўқишда қабул қилинди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция"си ижроси доирасида ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид

ваколатларига аниқлик киритиш тақлиф қилинмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқароларни иш билан таъминлаш меъёрларини белгилаш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасида тақлиф қилинаётган янги меъёрлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга, вақтинча ишсиз оилаларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган.

Лойиҳа учта муҳим ижтимоий вазифани ҳал этишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Биринчиси, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш.

(Давоми 2-бетда).

### Наврўз – 2013

Маҳалламизда Саодат хола деган нуруний онахон яшайди. Асида табаррук 90 ёшни қоралаб қолган бу аёлни ая ёки мома десак тўғри бўлади. Лекин маҳалладаги каттаю кичик уни негадир "хола" дейишарди. Ҳа, халқ бунга кўникиб қолган. Саодат хола умри давомида нималарни, қандай хурсандчилигу, оғирчиликларни кўрмади дейсиз. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас.

## САОДАТ ХОЛА СУМАЛАК ТОРТДИ

Онахоннинг бир ажойиб одати бор. Йил қандай келишидан, ким нима дейишидан қатъи назар қишлоқда биринчи бўлиб қозон осиб, баҳорнинг шох таоми – сумалак пиширишга тушади ва қариндош-уруғларга, ақинларига, қўйинчи, маҳалладошларининг қамада ярмига тарқатиб чиқади. Янгиликка оғзи тегсин, йил кутли, баракали келсин дейди-да.

Саодат хола тарихимизга "Обод турмуш йили" бўлиб қирадиган 2013 йилда ҳам аянасанга содиқ қолиб, аллақачон маҳалладошларига сумалак улашиб улгурди. Бу йил қозонни сал эртароқ осибсизми? – Йўқ, аксинча, кеч қолибман. Қарчилик-да, далага чикмай қўйдим. Қарасам, кўешнинг тафти бошқача, атрофга назар солсам, дарахлар бўртиб, ўт-ўланлар бош кўтарибди. Дарров

(Давоми 4-бетда).

## «КАМАЛАК КУБОГИ» МУСОБАҚАСИ

Бекобод шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида спортни оммавийлаштириш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 2001-2003 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида мини-футбол бўйича "Камалак кубоги" мусобақалари ташкил этилган. Мусобақани умумхалқ байрами "Наврўз" айёми арасида яқунлаш режалаштирилган. Ушбу мусобақада 8- ва 13-умумтаълим мактаблари мини-футбол жамоалари юқори ўринларни эгаллаб туришибди.

Ўз муҳбиримиз.

### 2013 йил – Обод турмуш йили

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муносиб турмуш даражаси ҳамда ҳаёти сифатини оширишга қаратилган. Ушбу вазифаларнинг барча-

си Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 14 февралда имзолаган қарорига мувофиқ қабул қилинган "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

лайдиган ва тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга замонавий, вертикал интеграцияланган тўқимачилик комплекслари, шунингдек, ҳамақорлигининг турли шакллари ривожлантирилмоқда. 2013 йилда бўш ва захира иш ўринлари ҳисобидан касб-хунар коллеж-

ҳар ва туманларда иш берувчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказилди.

Давлат дастурида иш билан банд бўлмаганларни касбга ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Мисол учун, жорий йилда Тошкентдаги Касб-хунарга ўқитиш марказида 600 нафар йигит-қиз машинасозлик, электроника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари каби соҳаларда меҳнат бўзорида талаб юқори бўлган замонавий касбларни эгаллаши мумкин. Бу мақсадлар учун Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан 500 миллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. 2013-2015 йилларда Самарқандда ҳам ана шундай 240 ўринли Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

Дастурнинг иккинчи бўлимида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларнинг муттасил ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар ҳамда кам таъминланган оилаларни давлат томонидан манзилли ҳимоя қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ўртача камида 23 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Даромадларнинг ўсиши эса бандликни ошириш орқали таъминланади. Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш (57,9 минг), кичик корхоналар ва микрофирмаларни (367,8 минг), яқка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш (117,7 минг), қасаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш (218,4 минг),

фермер ва деҳқон хўжаликларини (124,1 минг), ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш (73,1 минг), иқтисодий кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш (13,7 минг) ҳисобидан 972,7 минг янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишчи кучи кўп бўлган 53 туманда хом ашёни чуқур қайта иш-

тайёр тикувчилик-трикотаж ҳамда пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича илҳам ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобидан 13 мингта юқори технологияли янги иш ўринлари яратилди.

Замонавий ишлаб чиқаришларни яқши тайёргарликка эга, малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда касб-хунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация асосида-

ларининг 500 мингдан ортиқ битирувчисини ишга joyлаштириш кўзда тутилган. Шу мақсадда коллежларга иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган 90 мингдан ортиқ корхона ва ташкилот бириктирилди. Касб-хунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш амалиёти кенгайтирилди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят маркази, йирик ша-

ҳар ва туманларда иш берувчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

2013 йил – Обод турмуш йили

# АҲОЛИ БАНДЛИГИ ОШМОҚДА

### Бу йил Тошкент вилоятида 86 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, халқимизнинг даромадини муттасил ошириб бориш, турмуш ободлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятимизда ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириляпти.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, қасаначиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-

чилик палатаси ва Сенатининг 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қарорига асосан жорий йилда вилоятда 86 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, бу иш ўринларининг 44 мингдан ортиги кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятини йўлга қўйиш, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 9,5 мингга яқини фермер хўжалиқларида паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, узумчилик ва боғдорчиликни йўлга қўйиш ҳамда

кенгайтириш орқали ташкил этилади.

Янгийўл туманида ҳам бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда жорий йилнинг ўтган даврида тўрт юздан зиёд янги иш ўрни яратилди.

– Янгийўл шаҳридаги “Полиграф сервис” корхонаси бўлиб ишламоқдаман, – дейди Камолитдин Абдурахмонов. – Бу ердаги тажрибали ишчилардан кўп нарсаларни ўрганиман. Иш тартиби ва корхонада яратилган шарт-шароитлар менга ҳар жиҳатдан маъқул келди. Доимий даромад манбаига эга бўлишимдан мамнунман.

**Х. САЛИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

## КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАР БЕРИЛДИ

Оққўрғон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежидида вилоят ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тадбиркор аёллар уюмаси, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида тадбиркор ва фермер аёллар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Фермер ва тадбиркор аёллар ҳамда коллеж ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад тадбиркор аёлларга қулайлик яратиш, молиявий билим асослари, банк ва солиқ тизими, бухгалтерлик ҳисоботи ва турли фаолият йўналишларини ҳужжатлаштириш бўйича етарли маълумотлар бериш, шунингдек, кредит олиш ва қайтаришга оид муаммоларни ҳал этиш каби масалаларга оид кўплаб саволларга жавоб топиш эди.

**Ҳамид МУСОКОВ.**

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежидида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда шифокорлар, ФХДЭ бўлими мутахассислари, “Камолот” ЁИХ вакиллари ва қатор ҳамкор ташкилот ходимлари иштирок этди. Тадбирда эрта никоҳнинг олдини олиш, қизлар гигиенаси, репродуктив саломатлик ҳусусида сўз борди.

Суҳбат сўнггида “Тубанлик” фильми намойиш этилди.

**Ирода МАКСУД қизи.**

Янгийўл туманидаги “Мезон” маҳалла фуқаролар йиғинининг ишлари диққатга сазовор. Маҳалладаги 15 та кўчада 3000 га яқин аҳоли яшайди. Уларнинг 60 фоизи воёга етмаган ёшлар.

## «МЕЗОН»НИНГ ИШИ РЕЖАЛИ

– Ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмаса, турли кўнгилсизлик ва майда безорилик, қашандалик, ичкиликбозлик каби иллатлар авж олиш эҳтимоли кучаяди, – дейди маҳалла посбони Махмуд Яшимуродов. – Маҳалламиздаги соғломлаштириш маркази ва мусуқа мактабидида ташкил этилган спорт ва фан тўғрақларига мунтазам катновчилар кўпайди. Ёшлардан иборат тўртта футбол жамоамиз туман ва вилоят муسابақаларида яқин натижаларга эришяпти.

Маҳалладаги вақтинча ишчиларни йўлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, аҳолига сервис ва манший хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш истагида бўлган тадбиркорларга ишчиларни шу маҳалладагилардан олиш талаби қўйилгач, ишчилар кескин камайди.

– Эрта турмуш курган ёшлар оиласи бузилишининг олдини олиш учун, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарида Жўрабекова, – ФХДЭ бўлимида рўйхатдан ўтиш мақсадида тураржойдан маълумотнома сўраб келган икки ёш билан бирга ёки алоҳида суҳбат қиламиз. Оила қуришга ҳар жиҳатдан тайёрликларига ишонч ҳосил қилгангина, сўраган маълумотномаларини берамиз.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**  
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Ўқув

# БИР КУНЛИК САБОҚ САММОҒИ

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида шахар ва туманлардаги тарғибот гуруҳлари аъзолари малакасини ошириш мақсадида бир кунлик ўқув-семинар ўтказилди.



Тарғиботчилар республика Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасининг мазмун-моҳиятига қаратилган амалий машғулотларда билимларини бойитдилар.

Тадбир иштирокчиларига кейинги даврда мамлакатда, хусусан вилоятимизда эришилган ютуқлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, миллатлараро тотувликнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти, ёшларнинг зарарли ахборот хуружларидан асраш, маънавиятимизга зид ҳолатлар ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда жамоат ташкилотларининг ролини кучайтириш масалаларини малакали мутахассислар кенг шарҳлаб бердилар.

Вилоят шахар ва туманлари маънавият-тарғибот марказлари, хотин-қизлар қўмиталари, “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла” жамоат фонди ҳудудий бўлиmlари мутахассисларидан иборат тарғибот гуруҳлари аъзоларига амалий машғулотлар мавзусига оид зарур адабиёт ва кўлланмалар тарқатилди.

Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими ташкил этган ушбу гуруҳлар вилоятдаги таълим муассасалари, маҳалла, корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган “Маънавият соатлари” ва тарғибот тадбирларида семинарда олган маълумотларини амалда қўлайдилар.

**Еркебой БОТИРОВ**  
олган сурат.

## Тренинг



## ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ АНГЛАШ



Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежидида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва “Микрокредитбанк” ҳамкорлигида “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг таъбиқ этиш” лойиҳасини доирасида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда “Микрокредитбанк” вилоят, шахар, туман бўлиmlлари масъул ходимлари, коллеж ўқувчилари ва тадбиркор аёллар иштирок эттиди. Жойларда ташкил этилаётган бундай семинарларда тадбиркор аёллар иқтисо-

**Даврон АҲМАД**  
олган сурат.

## Қонун лойиҳаси муҳокамада

# ҚАДРИЯТЛАР МАҲАЛЛАДА ҚАДР ТОПАДИ

Иккинчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш. Учинчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий тадбиркорлик, шу жумладан оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш.

Қонун лойиҳасида таълим қилинаётган янги меъёрлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҲХДПнинг дастурий мақсадларига тўлиқ мос келади ва Бевосита партия электорати

манфаатларига хизмат қилади.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масъул вакиллари сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (янги таҳрир) “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган қонун иждорлиги соҳасидаги устувор йўналишлардан келиб чиқиб тайёрланган бўлиб, киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига кўра, уч йўналишга бўлинган. Биринчидан, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг масъул вакиллари сайловни ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати масъул орган сифатида

белгиланаётгани, шунингдек, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳам роли ва масъулияти янада ошириляётгани сайловларнинг очик-ошкора ўтиши, бу жараёнда шаклланди миллий амалиётдан фойдаланишга қаратилгандалолатлар.

Иккинчидан, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органларнинг, хусусан кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳларга янги талаблар қўйишга сайловларнинг тизимлиги, очик ва ошкорулиги хизмат қилади.

Учинчидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодида қўйилган талабларнинг янада кучайтирилиши бу вазифага энг муносибларни сайлаш, амалиётда маҳалла раислари ва фаоллари доимий

билдирадиган долзарб шартларга аниқлик киритади.

ЎХДП фракцияси фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) этиб энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга ва аҳолининг хурмат-ишончига сазовор фуқаролар сайланишини таъминлаш мақсадида лойиҳада номзодларга қўйилган қўшимча талаб ва чекловлар жуда муҳим деб ҳисоблайди. Жумладан, номзодлар, албатта, Ўзбекистон фуқароси бўлиши, сайловга қамада беш йил тегишли ҳудудда яшаган, шунингдек, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик соҳасида етарли иш тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши каби янги талаблар қўйилиши

фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) этиб энг муносиб фуқаролар сайланишини таъминлайди.

Қонун лойиҳасига бошқа бир қатор янги меъёрлар, хусусан, фуқаролар йиғини органларини шакллантириш муддатларига аниқлик киритиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига қўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғинида келажакдаги фаолият дастурини эълон қилиши каби муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Бу ҳар бир номзоднинг тегишли ҳудудни қандай билишидан тортиб, унинг келгуси мақсад, режа ва вазифаларини қандай тасаввур қилиши, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришда бор салоҳияти, қобилияти, қолаверса, тажрибасини

намоён этишига имкон беради.

Қонун лойиҳаси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масъул вакиллари сайлов тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, сайловларни ўтказиш савиясини оширишга қаратилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси кенг қўламда муҳокама қилинишини ташкил этиш ва ҳаётий, халқчил Қонун қабул қилинишига эришиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг энг долзарб вазифаларидан биридир.

**Ҳафиза КАРИМОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

лаштирилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши йилга қўшимча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 миллион донна тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини, жумладан, сут, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашни чу-

қурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 94,5 миллиард сўмдан ортиқ 288 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борада ўтказиладиган санаят ярмаркаси, инновацион гойлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари, бошқа биржа ҳамда ярмарка савдоларида тадбиркорлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва қайта ишлайдиган замонавий минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналар етказиб бериш бўйича шартномалар тузиши мумкин. Навоий машинасозлик заводи, “Технолог” акциядорлик жамияти, “ПГС” хусусий корхонаси ва бошқа корхоналарда шундай технология ҳамда ускуналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни жадвал амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган.

ЎЗА.

# БУГУНГИ ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Қибрай туманидаги "Хумо" болалар спорт мажмуасида фаолият юритаётган 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилганига яқинда 20 йил бўлади. Мактаб раҳбари Абдурашул Худойбергановнинг сазй-ҳаракатлари билан у тумандаги етакчи спорт даргоҳларидан бирига айланди.



Ўн мураббий 400 дан зиёд маҳаллий ёшларга миллий кураш ва бокс турларидан таълим беришмоқда. Барча шароитлар муҳайё этилган бу даргоҳ ёшлари вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларининг фаол иштирокчиси.

Яқинда мактаб маъмурияти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочилиси, фан номзоди Усмонали Мусаевнинг хотирасига бағишлаб турнир ўтказилди. Унда спортчилар миллий кураш ва бокс бўйича маҳоратларини намойиш этишди. Мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида юқори савияда уюштирилган мусобақа ғолиблари ва иштирокчилари диплом, медаль ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Сайёра ЭШМАТОВА,  
Еркебой БОТИРОВ  
олган сурат.

## Анжуман

Вилоятимизда боғдорчиликни ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Вилоят ҳокими Я. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тектиршиш институти олимлари ҳамда фермерлар иштирок этди.

# БОҒБОНЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони мамлакатимизда шубҳа соҳаларни ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини оширишда муҳим омил бўлаётди. Ҳуртигимизда интенсив боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011-2012 йилларда 5,3 минг гектардан ортиқ ана шундай боғ барпо этилди. Вилоятимизда ҳам 1 минг 300 гектар майдонда интенсив мевали боғлар баравж ривожланмоқда.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎА мухбири.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### "AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мулклар қўйилган:  
1. Янгийул туман СИБ томонидан 2012 йил 21 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Регистон ИПХ маканида сақланаётган, 1983 йилда и/ч., дав. бел. 10 О 742 FA бўлган "Камаз 53212" русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 209 080 сўм. 2. Чилонзор туман СИБ томонидан 2012 йил 6 июндаги 2-30-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Nuzimzmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 Е 656 GA бўлган "Нексия" русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи – 27 500 000 сўм. 3. Миробод туман СИБ томонидан 2012 йил 3 февралдаги 38986/8-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 30 Z 6517 бўлган "Матиз" русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 241 575 сўм. 4. Миробод туман СИБ 2013 йил 18 январдаги 1013/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 М 653 FA бўлган "ГБА СПГ Лада 21074-110-30" русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи – 19 000 000 сўм. 5. Миробод туман СИБ 2012 йил 25 мартдаги 11357/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 10 В 0221 бўлган "Нексия" русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи – 17 953 925 сўм. 6. Миробод туман СИБ 2013 йил 28 январдаги 1921/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Зафар-И" боғхона омирберида сақланаётган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 01 Е 386 KA бўлган "Мерседес Бенц 208д2" русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи – 27 457 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 2 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги авто-транспортлар ушбу аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 17 апрель куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 2007125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Лицензия: RR-0052.

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Олмалик шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Бўка туман 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Урта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Янгийул туман 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат	1 нафар

### Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Мехнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топишган, лекин нотиариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қарорини кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топишган Ўзбекистон Республикаси Фўқароси иштирок этиши мумкин.

Охангарон туман 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Чирчиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Ангрэн шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Зангиота туман 14-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар

Танловда иштирок этишини хоҳловчи фўқаролар 2013 йил 18 март кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.  
**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан 08.10.2013 й. № 2127072/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, О. Зокиров кўчасида жойлашган 9-уй, 26-хонадон. Бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм бўлган кўчмас мулк қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 18 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидеги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 2007125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Лицензия: RR-0052.

### "Respublika mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога такроран Зангиота тумани СИБ томонидан қўйидаги авто-транспорт воситалари қўйилмоқда:  
I. Зангиота тумани "Бурхонсавдо" МЧЖ омирберида сақланаётган: 1. "ГАЗ-24" русумли, д/р 114291.1979 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 13655. Бошланғич баҳоси – 506 909 сўм. 2. "УАЗ-452" русумли, д/р ва и/ч йили ноаниқ авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 14088. Бошланғич баҳоси – 482 654 сўм. 3. "ГАЗ-2401" русумли, д/р 01X687BA, 1981 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 14201/9. Бошланғич баҳоси – 348 760 сўм.  
II. Зангиота тумани "Кўк-трак Матлубот Инвест" МЧЖ омирберида сақланаётган: 4. "Луаз-969" русумли, д/р 1150543, 1983 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 14197. Бошланғич баҳоси – 240 100 сўм. 5. "ВАЗ-2111" русумли, д/р 1155572, 1977 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 13651. Бошланғич баҳоси – 556 857 сўм. 6. "ИЖ-412" русумли, д/р 11K5157, 1983 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 12627. Бошланғич баҳоси – 182 862 сўм. 7. "ГАЗ-24" русумли, д/р 3012847, 1984 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 12627. Бошланғич баҳоси – 303 869 сўм. 8. "УАЗ-469" русумли, д/р 10U5072, и/ч йили аниқланмаган авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 13526. Бошланғич баҳоси – 359 496 сўм.

III. Зангиота тумани "Нуррафшон Бизнес савдо" ХСМЧ омирберида сақланаётган: 9. "УАЗ-469" русумли, д/р 1154253, 1978 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 14202/9. Бошланғич баҳоси – 303 285 сўм. 10. "ГАЗ-24" русумли, д/р 1120447, 1975 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 15021/9. Бошланғич баҳоси – 227 015 сўм. 12. "М-412" русумли, д/р 1111674, 1985 йил и/ч авто-транспорт воситаси, ижро ҳужжати 28.02.2013 й. № 14203/9. Бошланғич баҳоси – 374 528 сўм.  
Аукцион савдолари 2013 йил 2 апрель куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 29 март куни соат 18:00. Авто-транспорт воситалари билан тегишли Зангиота тумани СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАМКС "Илак йўли банки" Сағбон филиали 20120000300571452114, МФО 01036, ИИН 2009938850 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коркамши кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52, www.pmm.uz.  
Гувоҳнома № 006231.

### ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

### 2013 йилда ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

### 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фўқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай эслайшув; дўкон, мактабларга яқин жойида;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 тоғич ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий саз билан таъминланган ҳамда текис ва равоқ ўйларга эга;



### Оилаңиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имитиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган мабағиғиз оилави режаслар ва арзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилави тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

### Янги уйлар Сиз учун узок муддатли сармов ва фарзандлар учун мерос.



### Келажак учун ЖАМФАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни қўпайтириш имконияти;
- Имитиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатда ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маони миқдори йиллар давомида қўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қуриши жарағини – тежабкорлик ва арзон нархлар сармови.



### Замонави қуриши моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган нубратчи қурувчилар ва қуриши сифатини юқорилик;
- Ўйр йилдик сифат қағолати;
- Узуржи нархларда юқори сифатли замонави қуриши моллари.



### Марҳамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фўқаролар йиғинларига;
- "Қамолот" ЕИХ бўлимига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- Қишлоқ қуриши банк филиалларига, минни банкларига;
- Қишлоқ қуриши банк филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрсабз, 36  
Тел.: (+998 71) 150-93-39  
Факс: (+998 71) 150-39-93  
www.gqb.uz  
e-mail: headoffice@gqb.uz

### Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш" ва "Ахборот тизимлари ва технологиялари" йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси лавозимига ҳамда коллеж ахборот-ресурс маркази етакчи мутахассиси лавозимига танлов эълон қилади.

### Мурожаат учун манзил: Бўка шаҳри, А. Икромов кўчаси, 39-уй.

Совместное Узбекско-Украинское предприятие "UZAGROSERVIS-PREMIER TRADE" (ИИН 201725504, ОКПО 16124626) в форме общества с ограниченной ответственностью, зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан 15 мая 2003 года за №18, в соответствии с протоколом общего собрания учредителей от 04.02.2013 от 28.02.2013 года, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. В течение двух месяцев со дня опубликования объявления претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Археологическая, д. 26/28, тел.: (+99893) 531-64-61.

ООО "AKRO INVESTMENT GROUP" (ИИН 301262052), зарегистрированное в Мирзо-Улугбекском районе г. Ташкента за реестр №00485-04 от 14.07.2009г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Ибрагимова, дом 2, кв 9, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителей от 28.02.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 283-46-16.

СП ООО "COLORFLEX" (ИИН 20135488), расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмалыкский район, ул. Магазин-Мавзук, д. 25А-А состоит из уменьшенного уставного фонда в 1 288 167 (один миллион двести шестидесять восемь тысяч сто шестидесять семь) долларов США до 887 717 (восемьсот восемьдесят тысяч семьсот семнадцать) долларов США. Претензии кредиторов принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Алмалыкский район, ул. Магазин-Мавзук, д. 25А-А, тел.: 228-09-22.

Частная фирма "ABUMALK", (ИИН 203381065), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства холмийта Якасарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Юсуф Хаматовий, д. 76, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания № 1 от 27.02.2013г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 189-36-47.

Тошкент вилояти, Янгийул тумани тибийет бирлашмаси собиқ Янгийул шаҳар тибийет бирлашмасига "Фармацевтика филиалини амалга ошириш учун" 05.11.2008 йилда П 3875 рақам остида Ўзбекистон Республикаси ҚСБ томонидан берилган лицензия ва лицензия битими ҳамда Эпигейр тумани тибийет бирлашмаси марказий касалхонасига "Фармацевтика филиалини амалга ошириш учун" 19.12.2002 йилда 2832 рақам остида Ўзбекистон Республикаси ҚСБ томонидан берилган лицензия битими йўқолишига сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"SPONGE WASH PRODUCT" МЧЖнинг устав жамғармаси 40 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.  
Омлароз тумани хоҳимияти томонидан бўйлаб олиниши "МОНЯ КОММУНАЛ" ХОЖМШ номига берилган думалок муҳр йўқолишига сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.  
ООО "PURPLE ORCHID" (ИИН 302504708), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства холмийта Юнусободского района г. Ташкента (реестр № 08093-10 от 18.02.2013г.), расположенное по адресу: г. Ташкента ул. Матбуотчилар дом. 17, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Решение № 1 от 01.03.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Наврўз – 2013

Шундай топширик бўлган эмиш. Бу гапга парво ҳам қилмай келин-кеватлар билан сумалакни бошлаб юбордик. Пишириб бўлиб димлаган ҳам эдикки, қишлоқнинг хотин-қизлар кўмитаси раиси ҳовлиқиб ки-

Шу тариқа қайтиб кетишди. Биз ҳам кўрққанимиздан сумалакнинг устини икки кундан кейин очибмиз, денг...

– Хар сафар сумалак тайёрлаганда шу кунларга етказганига шукрона айтаман,



## САОДАТ ХОЛА СУМАЛАК ТОРТДИ

риб келди. Тез қозонни яширинг, комиссия келди, кимдир сизни чақибди, деса бўладими. Эҳсонам чиқиб кетди. Сиёсат-да, бироз кўрқдим ҳам. Бўлар иш бўлган, энди нима қилиш керак, масала шунда эди. Буни қарангки, йўлини топдик. Уша даврда сумалакни ер ўчоққа ўрнатилган қозонда пиширдик. Шу кўл келди. Қозонни яшилди ёпиб, устидан тупроқ тортиб юбордик. Ҳақиқатдан ҳам комиссия келди. У ёққа қаради, бу ёққа қаради, қозон ҳам, сумалак ҳам йўқ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– сўзида давом этади онахон. – Юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, фарзанду набираларимизнинг камолини берсин. Телевизорда кўриб қоламан. Қаранг, улар учун қандай имкониятлар яратиб берилмоқда. Шундай бўлган, ёшларимизнинг эртанги кундан хотиржаммизда. Ниятим 2013 йилнинг Наврўзи ҳам кути, баракали бўлсин. Биз, кексалар дуода, ёшлар эса ҳаракатда, изланишда бўлишимиз.

Саодат хола айтмоқчи, киш охираммай туриб, кунлар илиб қолди. Бу ўлкамизга баҳор, энг қадимий

гўзал айёмимиз – Наврўзи олам яқинлашаётганидан дарак.

– Февраль ойининг илқ келганлигидан фойдаланиб, баҳор тадорикини бошлаб юбордик, – дейди Зағиота тумани кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Зокиржон Шермухаммедов.

– Корхона, ташкилот, маҳалла, мактаб, боғча ва бошқа муассасаларда ободонлаштириш ва кўкалам-зорлаштириш ишлари давом этмоқда. Ҳозиргача майдон ва хиёбонларга, дала ва кўча четларига 132 минг тупдан ортиқ мевали,

210 минг тупдан кўп манзарали ва 146 минг туп терак кўчатлари экилди. Умуман бу йил туманимиз бўйича 740 минг туп турли дарахт кўчатларини экиш режалаштирилган.

Наврўз нафақат яшариш, янгилик ва саховат байрами, балки заминга ризқ-рўз уруғини қадайдиган палла. Бу борада ҳам зағиоталик деҳқонларнинг олдига тушадигани кам топилди. Аллақачон ариқ-зорларни тозалаб, сув йўлларини раво қилиб қўйган сабзавоткорлар ҳозирнинг ўзидаёқ 79 гектарга плёнка остига эртаги

карам, 205 гектарга сабзи, 22,5 гектарга пиёз ва 20 гектарга бошқа резаворлар экиб қўйишди. Боғбонлар дарахтларга шакл беришни яқунлашмоқда.

Бизга айтишларича, тумандаги маҳаллаларда Наврўз айёмини муносиб нишонлаш мақсадида алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Худудларни тозалаш ва ободонлаштиришдан тортиб, кексалар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашишдек хайрли ишлар ҳам авж оляпти.

Бугун юртимизда Обод турмуш йили Наврўзнинг насимлари эса бошлади. Зеро, юрдаги ободлик, яратувчилик кўнгилдан бошланади. Тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат ва аҳиллик бор жойда эса, янада салмоқли натижаларга эришилади.

...Саодат холанинг қадоқ кўллари, пок ниятлари, орзу-умидлари ва дуолари билан тайёрланган Наврўз таоми – сумалак яна баҳор келганини эслати, ҳамма-нинг қалбига қувонч олиб кириб, барчани янги марралар сари чорлади.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Таэквандо



## ЙЎЛЛАМНИ НАҚД ҚИЛИШДИ

Пойтахтдаги "Жар" спорт мажмуида 7-17 ёшдаги болалар ва ўсирлар ўртасида Шарқ яққаурашининг таэквандо (ИТФ) тури бўйича республика чемпионати ўтказилди.

Шу йил июнь ойида Испанияда бўладиган Осиё чемпионати ҳамда июль ойида Болгарияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионати олдидан саралаш босқичини ўточи ушбу мусобақаларда республиканинг ўн бир вилоятдан 600 дан зиёд курашчи иштирок этди.

Чемпионатда Зағиота, Қибрай, Чиноз, Паркент, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ туманлари ҳамда Ангрен шаҳридан 120 вакилимиз вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди. Зағиота туманининг "Барс" ва Қибрай туманининг "Шамс" клублари полвонлари чемпионатда юксак маҳорат намойиш этиб, кўплаб совринли ўринларни кўлга киритишди.

Жумладан, "Барс" клуби аъзолари Даврон Тўраев, Саъдулла Хусанов, Муҳаммадхон Аҳмаджонов, Ирода Тополи-

ва, Анорбек Нурматов, "Шамс" клубидан Зухра Эргашева, Шахло Қаршибоева, Илхом Ражабов, Шариф Вақосов, Умид Абдуллаев, Илёс Муродов ўз вази тоифаларида голиб чиқиб, Осиё ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга кириштирди.

Умуман, вилоятимизнинг йигирмага яқин кучли полвонлари ёз ойларида ўтказилган Осиё ва жаҳон чемпионатиде Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган бўлишди.

– Шу йил июнь ойида Испанияда уюштирилган Осиё чемпионати мусобақалари ҳам июль ойида Болгарияда бўладиган жаҳон чемпионатига кучлиларни саралаш вазифасини ўтайди, – дейди "Барс" клуби мураббийси Баҳодир Саидвалиев. – Ишонаманки, шогирдларимиз ушбу ҳар икки чемпионатда ҳам мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ



"Бунақаси фақат эртақларда бўлиши мумкин", дейди Ижевск шаҳри фуқароси Марина Бугаева.

Кунлардан бир кун пенсиясини олган Марина харид қилгани дўконга борди. Рўзгорга керакли озиқ-овқатлар қаторида ярим килограмм сервелат ҳам сотиб олди. Уйга қайтган, кечки овқатга бутерброд тайёрламоқчи бўлиб, колбасадан беш-олти бўлак кесди. Навбатдаги бўлакни кесаётганида

пичоқ қаттиқ бир нарсага теги. Аввалига ҳайрон бўлган аёл, маҳсулот ишлаб чиқарилаётганидан бирон-бир темир парчаси тушибди-да, деб ўйлади. Аммо, топимани гўшт бўлакчаларидан тозалаган, ҳушидан кетишига оз қолди – қўлидаги бриллиант кўзи олтин узук эди! Наҳотки, супермаркет харид учун шундай бонус қўшиб берган бўлса?!

Марина Бугаева ломбардга бориб, топимани кўрсатганида, заргарлар тоза бриллиант кўзли узукни 10 минг рублга баҳолашди. Ўзида йўқ хурсанд аёл ҳозирча узукни сотмоқчи эмас, лекин уни дўконга қайтариш нияти ҳам йўқ. Ахир, топган-топалоқники дейишади-ку!

Удмуртиядаги кўплаб колбаса ишлаб чиқарувчи шехлардан ҳам қимматбаҳо буюм йўқолгани ҳақида хабар қилинмади. Фақат топилган узук интернет орқали кўрсатилган, Ижевскда колбаса маҳсулотларига талаб кўпайгани қайд этилди.

Фойдали маслаҳатлар

Электр чойнак деворларида йиғилган қатламни кетказиш осон. Бунинг учун чойнақдаги сувга лимон пўстини солиб, ўн дақиқа қайнатинг.

• Ручканинг стержени ёзмай қолса, ташлаб юборишга шовилманг. Илиқ сувга бир неча дақиқа солиб қўйсангиз, яна ёзаверасиз.

• Биллур ва шиша буюмлар бир ошқошқ спирит солинган совуқ сувда ювилса, ярқираб туради.

РЕКЛАМА

# Янги МАЈНАШТОЛ

мажмуасидаги уч қаватли бинонинг ерости қисмида «Babycity» («Болажонлар шаҳарчаси»), 5D-кинозалли, замонавий ўйин аппаратлари ва ўйинчоқлар майдончаси бунёд этилган. Биринчи қаватида ресторан, иккинчи ва учинчи қаватларида маданий тадбир ва шодибаналар саройи жойлашган. Бир қаватли бинода эса туну кун хизмат кўрсатадиган умумовқатланиш жойи (банкет зали, алоҳида хоналар), дўкон-бар, фаввора ва спорт зали мавжуд.

## Янги иш ўринларига

10 нафар иш юритувчи, 10 нафар ғазначи-ҳисобчи, 70 нафар официант, 30 нафар ошпаз, 30 нафар фаррош, 10 нафар дўкон-бар сотувчисини

# ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Манзил: Оҳангарон шаҳри. Тел.: (95) 170-10-03, (90) 971-35-02.

Гувоҳнома № 1а.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Убайдулла  
АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
муҳбирлар,  
32.  
e-mail:  
th.tp@mail.ru

Қабулхона:  
233-64-95, 236-55-59,  
233-58-85 (факс).  
Бўлим муҳаррирлари ва  
муҳбирлар:  
233-12-83, 233-48-08.  
Шартнома ва эълонлар:  
236-55-54.  
Ҳисоб-китоб бўлими:  
233-54-10.

Телефонлар:  
Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2011 йил 12  
январда 03-001 рақами билан  
рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
Сайёра РИХСИЕВА  
Навбатчи  
Бекзод ҲИДОЯТОВ  
Саҳифаловчи  
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ